

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
раиси

 Ш.Д. Кудбиев

2020 йил “01” июль

Онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал
модулга техник хизмат кўрсатиш марказларининг Давлат
реестрини юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси мажлисининг

Б А Ё Н И

(сўров йўли билан қабул қилинган)

№ 11

2020 йил “01” июль

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

Ш.Д. Кудбиев – Давлат солиқ қўмитаси
раиси - ваколатли орган раиси

Қатнашганлар:

Давлат солиқ қўмитаси раиси
ўринбосарлари, марказий аппарати
таркибий тузилмалари раҳбарлари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ

Онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга
техник хизмат кўрсатиш марказини Давлат реестрига киритиш масаласини
кўриб чиқиш тўғрисида

(Ш.Кудбиев, А.Файзибаев, А.Азизов, Р.Мусаджанов, Б.Хасанов, Ҳ.Насруллоев)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги
“Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимида
замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда жамоатчилик
назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5813-сон
Фармони талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон “Онлайн назорат-касса
машиналари ва виртуал касса тизимининг қўлланилишини таъминлаш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорга (3-илова, 2-банд) асосан онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга техник хизмат кўрсатиш марказлари Давлат реестрига киритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилади ва унинг расмий сайтида эълон қилиб борилади.

“Soft Business Group” масъулияти чекланган жамияти 2020 йил 12 июнда Давлат солиқ хизмати органларининг “Электрон солиқ хизматлари” портали орқали (344937-2020-сон) 27-сонли аризаси билан Давлат солиқ қўмитасига мурожаат қилиб, онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизимига техник хизмат кўрсатиш маркази фаолиятини амалга ошириш учун Давлат реестрига киритиш сўралган.

Мазкур мурожаат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори 3-илловаси талаблари асосида ўрганиб чиқилган ва мурожаатга 19-бандда кўрсатилган маълумотлар илова қилинганлиги ҳужжатлар тўлиқлиги ва ишончлилиги аниқланган.

Тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, “Soft Business Group” масъулияти чекланган жамиятининг мурожаатида сўралган масала бўйича таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛИНАДИ:

1. “Soft Business Group” масъулияти чекланган жамияти онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга техник хизмат кўрсатиш марказларининг Давлат реестрига киритилсин.

2. “Soft Business Group” масъулияти чекланган жамиятига онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга техник хизмат кўрсатиш маркази фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори талабларига қатъий риоя этиш вазифаси юклатилсин.

3. Давлат солиқ қўмитасининг Сайёр солиқ текшируви бошқармаси:

“Soft Business Group” масъулияти чекланган жамияти онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга техник хизмат кўрсатиш марказларининг Давлат реестрига киритилиши муносабати билан Давлат реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилсин;

Давлат реестрига киритилган мазкур жамият тўғрисидаги маълумотни 3 кун муддатда ҳудудий давлат солиқ хизмати органларига етказилиши ҳамда қўмитанинг расмий сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши таъминлансин;

Давлат реестрига киритилган “Soft Business Group” масъулияти чекланган жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори талабларига риоя этилиши юзасидан назорат ва профилактика ишларини амалга оширсин, жамият томонидан қарор талаблари бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликда белгиланган чоралар кўриш юзасидан ваколатли органга таклифлар киритиб борсин.



**“Soft Business Group” масъулияти чекланган жамиятини онлайн
назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга техник
хизмат кўрсатиш марказларини Давлат реестрига киритиш
масаласини Давлат солиқ қўмитасининг Ишчи гуруҳи аъзолари билан
КЕЛИШИШ ВАРАҚАСИ**

т.р.	Лавозими	Имзо	Фамилияси, исми, отасининг исми
1.	Раис ўринбосари - Ишчи комиссия раиси		А.Файзибаев
2.	Раис ўринбосари - Ишчи комиссия раиси ўринбосари		А.Азизов
3.	Солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи		Р.Мусаджанов
4.	Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази давлат унитар корхонаси директори		Ҳ.Насруллоев
5.	Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи		Б.Хасанов
6.	Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Солиқ сервис” давлат унитар корхонаси директори		Ш.Қаюмов
7.	Солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси давлат солиқ бош инспектори-Ишчи комиссия котиби		С.Нарбеков